

ТАЪЗИЯ



09:55 / 16.07.2020 3511

«Hilol Nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси юртимизда кўплаб ҳофизу Қуръонлар етиштириб чиқарган Зоҳиджон қори домланинг ўғиллари, шунингдек Қуръон мусобақаси-2018 танловининг етакчи ҳакамларидан бири Валихон домла Азимбоевнинг акаси Алихон қорининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло ҳофизу Қуръон бўлган Алихон қорини ажру савобларни кўпайтириб берсин. Барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, жаннати фирдавсдан жой ато қилсин, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин, Қуръон ҳофизларига ваъда қилинган ажру мукофотлардан баҳраманд айласин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини

сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз.

Марҳум Алихон қори Азимбоев 1978 йил 7 февраль куни Тошкентда таваллуд топган. Дастлаб отасидан, сўнг эса наманганлик Ҳамидхон қори поччадан Қуръони Карим таълимини олган. Кейинчалик, асли андижонлик бўлган, Тошкентда яшаб ўтган Абдулазиз қоридан Қуръон илмларини ўрганди. Сўнгра Қуръон устозларидан Абдулборий қори қўлида ҳам қироатдан дарс олди. Қуръони Каримни ҳифз қилгандан кейин, Қирғизистоннинг Қоравсув шаҳрида Алоуддин Мансур домла қўлида илм таҳсил қилди. Кейинчалик Тошкент давлат шарқшунослик университетига ўқишга кирди. Дин ва халқ учун хизмат қилиш ниятида ўтган йили Халқаро Исломи академияси магистратура босқичининг «Қуръоншунослик» йўналишига ўқишга кирди. Бу йил магистратуранинг 1 босқичини муваффақиятли тамомлаб, мустақил таълим билан ҳам шуғулланиб бораётган эди.

Алихон қори Азимбоев узоқ йиллардан буён Рамазон ойида хатмга ўтиб келар эди. У киши Қуръондан таълим беришга жуда ҳам ҳарис бўлиб, шу кунгача яқинлари орасидан бир қатор шогирдларни ўзидан садақаи жория ўлароқ қори қилиб улгурди. Жумладан, ўзининг икки ўғли ҳам Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган.

Аллоҳ таоло ҳофизи Қуръон Алихон қорини Ўзининг раҳмату мағфирати билан сийласин ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам башорат берганларидек, шаҳидлар қаторида қабул этсин.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Islom.uz портали таҳририяти